Гос. ҳужжат палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 147 (5138).
1 ИЮЛЬ 1983 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ИЛҒОР ТЎҚУВЧИ АҲДИ

БУГУН

Каромат Ёқуббоеванинг Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаётганига 10 йилдан ошди. Шу давр мобайнида меҳнатсевар қиз, моҳир тўқувчи бўлиб танилди, коллектив меҳр-эътиборини қозонди.

Узбекистон Ленин комсомоли ва тўқувчи Виноградовалар мукофоти лауреати, Тошкент шаҳар Советининг депутати Каромат Ёқуббоева ярим йиллик топшириқни ошириб бажарди.

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиққан шаҳардаги йирик корхона ва қурилишларининг 9 илғор ишчиси қаторида Каромат Ёқуббоеванинг ҳам борлиги билан тўқимачилар ҳақли равишда фахрланадилар.

Ф. МУСАЕВА.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси ўз талабаларининг янги отрядини чиқарди.

29 июнь куни Москвада олий партия ўқув юрти профессорлари, ўқитувчилари, тингловчилари ва аспирантларининг тантанали йиғилиши бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлади. У шонли воқеа муносабати билан битириб чиқувчиларни, академиянинг бутун коллективини партия Марказий Комитети номидан самимий қутлади.

● Учишни бошқариш маркази хабар беради: космонавтлар Владимир Ляхов ва Александр Александров «Салют-7» орбитал станцияси асбоб-ускуналари ва аппаратларини консервация ҳолатидан чиқариш борасида мўлжаллаб қўйилган ишларни давом эттирмоқдалар.

Бугун «Космос-1443» юкини бўшатиб олиш ишларини бажариш мўлжалланади. Ляхов ва Александров ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЮКСАК МАРРАЛАР

«Ишлаб чиқариш новаторларининг ташаббусларини пропагандасининг барча воситалари билан қўллаб-қувватлаш, раҳбарлар ва ишчиларни, олимлар ва конструкторларни техникани янгилашга ундайдиган ҳамда қўл меҳнатини қисқартиришга кўмаклашадиган ташкилий, иқтисодий, маънавий чора-тадбирларни оммалаштириш керак.

(КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қароридан).

Ишчи коллективларида ҳозир КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материалларини диққат билан ўрганишяпти. Ишлаб чиқарувчилар бу муҳим ҳужжатларнинг ҳар бир сатрини мижозалаб ўқишаяпти. Чунки улар партия қарорлари талабларидан келиб чиқиб, ўз меҳнат натижаларини баҳолашга ўрганишган. Ишчилар шуни яхши билишадики, бизнинг меҳнат суръатларимиз, олға илгарилаш имкониятларимиз, оз моддий-техника воситалари сарфлаб, юксак натижаларга эришишимиз кўп жиҳатдан идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар даражасига боғлиқ. Шунинг учинг ҳам шу кунларда кишиларнинг меҳнат активлиги сезиларли ўсди.

Бугунги кунда саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, фан, шаҳар хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ўзига хос иш кунини ўтказдилар — шу кундан бешинчи йилликнинг иккинчи ярми зарбдор вахтаси бошланди. Ҳар бир ишчи вахтани навбатдаги сменага топшириб экан, беихтиёр ортда қолган 911 кунни кўз ўнгидан ўтказади. Тошкентликлар учун у қандай бўлди! Нимаси билан диққатга сазовор!

Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатяптики, ўтган вақтда талай ишлар қилинди, асосий белгиланган планлар муваффақиятли адо этилди. Гарчи баъзан суръатда секинлашишлар юз берган, барча корхоналар ҳам шартномадаги мажбуриятларини белгиланган номенклатурада аниқ бажармаган бўлса ҳам, ишнинг умумий суръати чакки бўлмади. Йилнинг биринчи ярмида кимия-фармацевтика заводи, «Учқун» тўқимачилик галантерея бирлашмаси, ёғ-мой комбинати қолоқлар сафида қолди. Капитал қурилиш учун ажратилган маблағни ҳамма қурилиш ташкилотлари ҳам ўзлаштириб улгурмади. Транспортчилар янгиликни анча секин жорий этдилар. Алоқа воситалари ривожи юксалиши белгиланган графикдан анча орқада қоляпти.

Шунга қарамасдан, асосий планлар ва мажбуриятлар муваффақиятли адо этилди. Яхши анъанага биноан меҳнат коллективлари шу ойнинг дастлабки кунларида фақат 1983 йилнинг биринчи ярмидаги эмас, балки беш йилликнинг икки ярим йилидаги иш натижаларини атрофлича таҳлил қиладилар. Барча илғор, прогрессив, бугун ва келгусида самара берадиган тажрибаларни ўзлаштиришади. Бунда ҳал этилмаган масалаларга эътибор қаратилади, нуқсонларни бартараф этиш учун тадбирлар белгиланади.

Ҳозир эса шонли солноманинг биринчи саҳифасини очамиз — дастлаб ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилига разм соламиз. Саноат буюмлари ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йилга нисбатан 6 процент ўсди, маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди. Кифоя, Собир Раҳимов, Ҳамза ва Чилонзор районлари ишлаб чиқарувчилари, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, трактор, «Чевар» бирлашмалари, «Ташсельмаш», «Миконд» заводлари, бадиий буюмлар, кўнгалантерея буюмлари фабрикалари паспорт планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Бу коллективлар беш йилликнинг кейинги йилларида ҳам суръатни сусайтиришмади.

«Еттилар ташаббуси» мусобақасининг кенг тус олишига катта таъсир кўрсатди. Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети томонидан маъқулланган бу ташаббус чинакамига кенг қанот ёйди. Уни минглаб ишлаб чиқарувчилар, қурувчилар, транспортчилар қўллаб-қувватлашди.

Қурувчилар ҳам чакки меҳнат қилишмади. 1981 йилда улар 876 минг квадрат метр турар жойни (бу 1980 йилдагидан 90 минг кўп), ўтган йили 950 минг квадрат метр турар жойни фойдаланишга топширишди. Баланд бинолар қурилиши кўпаймоқда. Кўплаб мактаблар, болалар муассасалари, маданий-маиший объектлар, тиббий муассасалар бунёд этилди.

Транспортда аҳвол қалай! Бу ерда планлар муваффақиятли адо этиляпти. Фақат беш йилликнинг биринчи йилида темирйўлчилар ва автомобилчилар топшириққа қўшимча миллион тоннадан ортиқ халқ хўжалик юклари, пойтахт метрополитени 2 миллион йўловчини ташиди. Транспорт 1982 йилда ва шу йилнинг биринчи ярмида яхши ишлади.

Партия ва меҳнат ветеранлари, фан ва санъат арбобларининг шаҳарни ободонлаштириш, уни юксак маданият, намунали тартиб ўрнатилган шаҳарга айлантириш бўйича пойтахтнинг барча аҳолисига қарата мурожаати тошкентликлар қалбидан мустаҳкам ўрин олди.

Бугунги кунда бунинг натижасини кўриб турибмиз. Шаҳримизнинг кўпгина жойлари ўзгариб ободонлашди. Фурқат, Узбекистон, Аҳмад Дониш кўчалари янгитдан қурилди ёки реконструкция қилинди.

«Чорсу», Оқтепа каби массивлар қурилиши жадал суръатлар билан давом этди. Ҳамид Олимжон майдони ўзига хос қиёфага эга бўляпти. Бу ҳаммаси қадимий шаҳар қиёфасини безаб, унга такрорланмас ҳусн бахш этяпти.

Яна бир муҳим янгилик. Бир қатор корхоналар ва ташкилотларда қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ишлаб чиқариш—ёрдамчи хўжаликлар, агрокомплекслар пайдо бўлди. Тошкентликлар КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларига ана шундай жавоб бердилар.

...Шундай қилиб, бугун беш йилликнинг иккинчи ярми старт олляпти. Бу даврга анча салмоқли планлар белгиланган. Саноат ишлаб чиқариши ва капитал қурилиш ҳажми ўсиб боради. Транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари юксалади.

Бу давр биздан ишлаб чиқаришни бошқаришни янада такомиллаштиришни, шаҳар хўжалигини ривожлантиришни талаб этади.

Биз ишлаб чиқаришни юксалтиришда сифат жиҳатидан янги имкониятлар олдида турибмиз. Эндиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун курашнинг ўзи етарли эмас. КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил), июнь (1983) Пленумлари қарорларида кўрсатилганидек, меҳнатни интенсивлаш лозим.

Сизларга меҳнатда, беш йиллик учун қабул қилинган план ва мажбуриятларни бажаришда муваффақиятлар тилаймиз!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, СССР ва Чехословакия Социалистик Республикаси раҳбар партия ҳамда давлат арбобларининг шу йил 28 июнь куни Москвада бўлиб ўтган учрашуви якунларини кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси шу учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов бошчилигидаги совет делегациясининг фаолиятини тўлатўкис ва батамом маъқуллади.

Учрашувда қабул қилинган Қўшма Баёнот қардош партиялар ва давлатларнинг ҳозирги халқаро вазиятга баҳо беришга ёндашувдаги бирлигини, улар уруш хавфининг олдини олишга, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларни бирлаштиришга интилаётганлигини ифода этади. Кескинлик кучайиб бораётган, давлатлараро муносабатлар тобора беқарор тус олаётган, ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқарувчи ядро уруши хавфи ортиб бораётган, қуролланиш пойгаси мисли-сиз кўлам касб этаётган ҳозирги пайтда мазкур масалаларга ёндашувдаги бундай бирлик, айниқса, муҳимдир. Қўшма Штатлар ва унинг баъзи иттифоқчилари ўз ҳаракатлари билан социализм мамлакатларига нисбатан ҳарбий устунликка эришишни кўзлаётганликларини яширмаяптилар.

Шундай шароитда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси социалистик мамлакатлар раҳбар партия ва давлат арбобларининг учрашувида унинг қатнашчилари тинчлик ва ўз хавфсизлиги манфаатларига асосланиб, улар ўзларига нисбатан ҳарбий устунликка мутлақо йўл қўймасликларини билдирганликларига алоҳида муҳим аҳамият беради. Улар Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларга мурожаат қилиб, ҳозирги халқаро муносабатлар ривожланишининг хатарли тенденцияларини сергаклик билан объектив равишда баҳолашга ва инсониятнинг энг чуқур манфаатларига мос бўлиб тушадиган оқилона хулосалар чиқаришга қатъий даъват этдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида муҳокама қилиш чоғида таъкидлаб ўтилганидек, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар дунёдаги воқеалар ривожининг шу мураккаб пайтда мазкур мурожаатга НАТО аъзолари бўлган давлатларнинг жавобини кутадилар. Бутун дунёдаги кишилар аҳвол бундан ҳам ёмонлашувининг олдини олишга қодир амалий қадамлар қўйилишини кутмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида бошқа ташқи сиёсий, шунингдек, иқтисодий масалалар ва мудофаа масалаларига доир ахборот тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ ВА ИЖОДИМИЗ—БЕШ ЙИЛЛИККА

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА







ПЕШҚАДАМЛАР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорларини бажариш учун шу кунларда зарбдорларча меҳнат қилмоқда. Корхонанинг юзлаб меҳнаткашлари смена топшириқларини 20—30 процент ошириб адо этиш билан бирга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аъло сифатли бўлишига эришишяпти. Шу билан Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишяпти. Уларни ҳақли равишда мусобақа пешқадамлари деб аташади.

СУРАТЛАРДА: беш йиллик топшириқларини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган илғор тиқувчи-мотористкалардан бир группаси (чапдан-ўнгга) Х. Бегматова, М. Муҳамедова, М. Исмоилова, А. Шоаҳмедова, И. Обидова, С. Одилметова; 2-цех техника назорати бўлимининг контроль мастери Ф. Мингазова ва мастер А. Аллатова тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; тиқувчи-мотористка, коммунистик меҳнат зарбдори И. Сальникова.

М Нуриддинов фотолари.

ЭКСКАВАТОРЛАР КОНВЕЙЕРДА

РЕПОРТАЖ

Участкада экспорт бўйича мастер А. Мишченко пайдо бўлганида А. Замчалова бригадаси экскаваторнинг навбатдаги кабинасини ўрнатишни тугаллаётган эди.

— Йигитлар, — деди у, — Кубага жўнатиладиган олти машина тайёр бўлди.

Уларнинг двигателини текшириб кўриш керак...

— Яхши, Андрей, — деди бригадир. Ҳозир разводка қиламиз, менинг ўзим бораман. — Сўнг у бошқаларга қарата шундай деди. — Сизлар эса эртанги кун учун тақсимловчи шчитни йиғиш билан шуғулланинг.

Жўнатиш майдончасида платформаларга ортиш учун тайёрлаб қўйилган экскаваторлар ярқираб турибди. Улардаги ёзувлардан қаерларга жўнатилаётганлигини билиб олиш мумкин: Ноқоратупроқ зона, Украина, Болтиқ бўйи, Куба, Польша, Венгрия, Мозамбик... Тошкент экскаватор заводи маркаси қўйилган маҳсулот бутун мамлакатимизга ва 20 дан ортиқ чет эл мамлакатларига юборилади.

Коллектив йилдан-йилга ишлаб қувватларини ошириб, буюмларининг техник даражаси ва сифатининг юксалишига эришмоқда. Бу борада айниқса, ўн биринчи беш йиллик диққатга сазовор. Икки ярим йил мобайнида корхонада 3 минг 700 экскаватор ва улар учун 5 миллион сўмликка яқин эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Умумий маҳсулот ҳажмида ҳозир 70 процентдан ортиқ маҳсулот давлат Сифат белгисига эга. Корхонада ишлаб чиқарилаётган буюмларни такомиллаштириш, шунингдек янги машиналар яратиш устида катта ишлар қилинаяпти. «ЭО—3221» маркали гидравлик экскаватор ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда. Дастлабки тажриба намунаси синовдан яхши ўтди. Ҳозир янги экскаватордан яна бештаси йиғиляпти.

Меҳнат беллашувининг пешқадамларидан бири Александр Замчалов бошлиқ слесарь-йиғувчилар коллективидир. Бу беш йилликда ҳам ижобий ўзгаришлар бўлди, 1981 йил бошида комплекс бригада ягона наряд бўйича ишлашга ўтди. Бу ҳар бир ходимнинг масъулиятини оширди, интизомни яхшилади, меҳнат унумдорлиги кескин ўсди.

Беш йилликнинг биринчи йилида коллектив юксак унвонга — комсомол-ёшларн и н г коммунистик меҳнат коллективи унвонига эришди. Тошкент юбилейига қадар у йиллик планни бажаради.

Механика-йиғув цехида конвейер бир маромда ҳаракат қилиб, унда «Э—304Г» экскаватори йиғиляпти. Бу ерда кўпгина кишиларнинг меҳнати жамланади. Г. Бобко бригадаси занжирли ғилдирак рамаларини, А. Дементьев бригадаси — ҳаракатлантириш қисмини, Н. Ивановнинг дизелистлари двигателни ўрнатишади. Умумий монтаж ишларини К. Шодиев бошлиқ илғор коллектив амалга оширади.

Ишчиларнинг «Экскаваторнинг сифати қандай?», деб берган умумий саволига синовчи-машинист Н. Корненко кабинадан бош бармоғини чиқариш билан жавоб беради. Бу жавоб ҳамма учун тушунарли ва қаноатланарли эди.

В. СЕРГЕЕВ.

КОММУНИСТИК ОНГЛИЛИК БИЛАН

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми, шубҳасиз кейинги йилларда жамиятимиз тарихида рўй берган энг катта воқеа бўлди. Пленум материаллари билан танишар экансан, беихтиёр ўзинг меҳнат қилаётган коллектив босиб ўтган йўл кўз ўнгингга келади. Мен «Компрессор» заводида салкам 26 йилдан бери меҳнат қилиб келяпман.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган 2,5 йилида қўлга киритилган ютуқ ва кўрсаткичларнинг ўзи коллективимизнинг қандай ишлаётганини, корхона ишлаб чиқариш қувватининг нечоғли ўсганини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Ўтган икки йил-у беш ой мобайнида коллективимиз 37 миллион 198 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришди. Шу жумладан, 930 минг сўмлик маҳсулот планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилди.

Маълумки, Коммунистик партия кейинги вақтда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга, уларнинг сифатини оширишга катта эътибор бермоқда. Бу борада ҳам коллективимиз юксак марраларни забт этмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг 29 ойида пландагидан 1 миллион 170 минг сўмлик ўрнига 1 миллион 307 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрланди. Ана шу маҳсулотнинг 137 минг сўмлиги планга қўшимча равишда ишлаб чиқарилди. Бу йил корхонамизда тумбочкали тошойналарнинг икки хили кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Мен 3-механика-йиғув цехида меҳнат қиламан. Шу билан бирга цех партия ташкилотига ҳам раҳбарлик қиляпман. Коллективимиз жуда яхши. 156 ишчининг 33 нафарини коммунистлар ташкил этади. Меҳнатга коммунистик онглилик билан ёндошиш, бажаратган вазифасига ҳалол муносабатда бўлиш — коллективимизнинг асосий хислатидир.

Менинг ўзим айни пайтда 1984 йил планини бажариш арафасида турибман. Пойтахтнинг 2000 йиллик юбилейини беш йиллигининг 4,5 йиллик план-топшириқлари н и бажариш билан қутиб олишга аҳд қилганман.

П. ОВСЯННИКОВ,
«Компрессор» заводи 3-механика-йиғув цехи токари, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, коммунистик меҳнат зарбдори.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси навбатдаги мажлисида Самарқанд шаҳар партия комитетининг савдо-сотиқни ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш соҳасидаги ишини муҳокама қилди, бу ишдаги мавжуд жиддий камчиликлар ва нуқсонларни кўрсатиб ўтди. Самарқанд шаҳар партия комитетига камчиликларни жуда қисқа муддатлар ичида тугатиш, шу тармоқларнинг энг муҳим соҳаларини малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини анча ошириш вазифаси топширилди.

Пахта тозалаш саноатини қайта қуроллантириш учун замонавий машина-ускуналар ишлаб чиқариш юзасидан «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг иши кўриб чиқилди. Бирлашма раҳбарларига технологик жараёнларини тўла механизациялаш ва автоматлаштиришни таъминлайдиган, пахтани қайта ишлаш сифатини оширадиган юқори самарали поток линиялар ва комплекс машина-ускуналар яратишга меҳнат коллективларини сафарбар этиш топширилди.

Чет эллик туристларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, меҳмонларга кўрсатиладиган объектларда тегишли тартиб ўрнатиш борасидаги тадбирлар муҳокама қилинди.

Бюро қишлоқда якка тартибда уй-жой қурилишини янада такомиллаштириш йўллари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Бюро умумий таълим мактаблари ўқитувчилари билан ҳунар-техника билим юртлари муаллимларининг август кенгашлари планларини кўриб чиқиб, ана шу кенгашларда республиканинг умумий таълим мактабларида ва бошқа ўқув юртларида рус тилини ўрганишни яхшилаш тадбирларини муҳокама этишни тавсия қилди.

Бюро партия, хўжалик ва маданий қурилишнинг бошқа масалаларини ҳам муҳокама этиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Н. ИБРОҲИМОВни ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Неъматжон **Иброҳимов** Ўзбекистон ССР ички ишлар министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1983 йил 30 июнь.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

КОРЕЯНИ ТИНЧ БИРЛАШТИРИШ УЧУН

Шу кунларда жаҳоннинг турли мамлакатларида корейс халқининг Америка қўшинларини Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетиш ва мамлакатни демократик асосда тинч бирлаштириш учун олиб бораётган кураши билан бирдамлик ойлиги бошланди. Ойлик Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Бундан ўттиз уч йил муқаддам, июнь ойининг охирида корейс халқи тақдирида ғоят машаққатли кунлар бошланди. Америка империалистлари ва уларнинг гумаштаси Корея ярим оролида жиноий агрессия қилдилар. Бу уруш уч йилга чўзилди. Ваҳшиёна агрессия натижасида Корея суньий равишда иккига ажратиб қўйилди, ярим оролнинг жанубий қисмини Америка қўшинлари босиб олди.

Шундан кейин ўтган ўн йилликлар мобайнида корейслар диёрида мустаҳкам тинчлик ўрнатилмади. Бунинг устига Осиёнинг ана шу районида кескинлик тинмай авж олдирилмоқда. Кореянинг жанубий қисмида аввалгидек ҳозир ҳам Америкининг 40 минг солдати турибди, бу ерда АҚШнинг ўнлаб ҳарбий-ҳаво ва ракета базалари жойлашган. Америка маъмурияти бор кучини Корея ярим оролини босиб олиш ва Кореяни мустамлакага айлантиришга, Американинг дунёнинг ана шу районидаги иштирокини абадийлаштиришга қаратмоқда.

АҚШ шу мақсадда Сеул кўғирчоқ режими қуролли кучларини мустаҳкамлаш билан бирга ўзининг Жанубий Кореядаги ҳарбий потенциалини оширмоқда. Америка матбуотининг далолат беришича, АҚШ ярим оролда ўртача олисликка учадиган ядро ракеталарини, қанотли ракеталар ва нейтрон қуролларини жойлаштиришга қарор қилган.

Бироқ корейс халқи тиз чўкаётгани йўқ. У мамлакатнинг ташқаридан ҳеч бир аралашувсиз тинч бирлаштириш учун курашмоқда. КХДР ҳукумати ана шу проблемани тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган бир қатор реалистик, амалий таклифларни илгари сурди. КХДР ҳукумати АҚШ қўшинлари ва ядро қуролининг Корея ярим ороли жанубидан олиб чиқиб кетилишини талаб қилмоқда. Мутлақо равшанки, Американинг ҳарбий иштироки Кореянинг тинч бирлаштирилишига асосий тўсиқ бўлмоқда.

Планетамиз тараққийпарвар жамоатчилиги корейс халқининг эзгу интилишларини қатъиян қўллаб-қувватламоқда. Бу бирдамлик қатор халқаро анжуманларнинг резолюцияларида, БМТ Бош ассамблеяси XXX сессиясининг 1975 йилда Корея масаласига бағишлаб қабул қилган қарорида ўз ифодасини топган. Бу қарорда барча чет эл қўшинларининг Жанубий Корея территориясидан олиб чиқиб кетилиши талаб қилинган. СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида таъкидланганидек, Совет Иттифоқи корейс халқининг мамлакатни демократик асосда тинч бирлаштириш учун олиб бораётган кураши билан бирдамдир. Масалани шу тарзда ҳал этиш, корейс халқининг манфаатларига ҳам, Узоқ Шарқда ва бутун дунёда хавфсизлик манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС шарҳловчиси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Санитария ободончилиги бўйича шаҳар штабининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда савдо ва умумий овқатланиш объектларида, шунингдек озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати корхоналарида озодагарчилик ва тартибга риоя қилиш масалалари қараб чиқилди.

Санитария қоидаларини бузишда айбдор бўлганлар жазоланди. Аниқланган нуқсонларга барҳам бериш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

«Партия ташкилотлари кадрларни кишиларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш, меҳнаткашлардан тушадиган илтимослар, истаклар ва таклифларнинг ўз вақтида тўғри ҳал этилиши учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш тадбирларини белгилаб, амалга оширсинлар».

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

• ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИНИНГ ИМТИЁЗЛАРИ ҲАҚИДА

• ЯНГИ УЙ ТАШВИШЛАРИ

• ОБУНАЧИЛАР ЭҲТИЁЖИ ҲИСОБГА ОЛИНСИН

ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

Ҳурматли редакция! Мен ўзимни ва оила аъзоларимни страхование қилдирмоқчи эдим. Давлат страхованиесининг имтиёзлари ва қулайликлари ҳақида маълумот берсангиз.

Б. НУРИЛЛАЕВ, ишчи.

Р. ОРИПОВ,
Узбекистон ССР молия министрлиги давлат страхование Бош бошқармасининг ходими.

— Фарзандингиз вояга етди. Етуклик аттестатини қўлига олган ёки бахт остонасига қадам қўйган ўғил-қизингизга биронбир эсда қоларли совга ҳозирлаш нияти туғилади. Албатта, бирданига рўзғордан орттириб катта маблағ ажратиш қийин. Агар болангизни ўз вақтида страхование қилдирган бўлсангизчи?!

Дарҳақиқат, давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим тадбирлардан бири — социал страхование меҳнаткашлар учун ниҳоятда қулай ва фойдалидир.

Шу кунларда республикамиз давлат страхование идоралари томонидан «Болалар ва бўлғуси оилалар тўғрисида ғамхўрлик!» шиори остида ўтказилаётган ойликда маблағ жамғариш, унинг форма ва турлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Молия органлари билан тузиладиган ўзига хос шу шартнома давлат идора ва ташкилотларидан бирида ишлаб турган ҳар бир совет граждани томонидан имзоланиши мумкин. Зарурат туғилса мазкур ҳужжатга мувофиқ бадалларни ўз вақтида тўлаб борган кишига белгиланган муддатда тайинланган сумманинг тўла миқдори берилиши гарантияланади. Бундан ташқари шартнома бандларида кўрсатилган маълум сабаб ва ҳодисалар рўй берганида ҳам қўшимча 200 сўм ёки страхование суммасининг 30 проценти ҳажмида моддий ёрдам кўрсатилади.

Ҳаёти суғурта қилинган ёш граждан жароҳатланганда ёки соғлиғи ёмонлашганда ҳолати ҳисобга олиниб, страхование суммаси тўлиқ ёки қисман тўланиши мумкин. Болалар ва никоҳ тўйи страхованиеси асосан ёши 15 гача бўлганлар фойдасига тузилади. Унинг суммаси ота-оналар билан ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бироқ миқдори 300 сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Республикамиз социал страхование системаси тобора такомиллашиб бораяпти. Ҳозир мол-мулк, уй-жой, фарзандларини ихтиёрий равишда стахование қилдирганлар сони 6 миллион 600 минг нафардан ошиб кетди. Ўз ҳаётларини страхование қилдирганларнинг 43 процентини идора ва турли муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари ташкил этади.

Умуман, давлат страхованиеси ортиқча маблағингизни жамғариш, фарзандларингиз келажагини таъминлашда ҳам энг қулай ва фойдали воситалардан биридир.

ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Маҳбуба Шамсутдинова номидаги уйни ўз номимга ҳадя сифатида ўтказишга қийналаяпман. Октябрь райони БТИси ходимлари ҳужжатлар етарли эмас, деб сарсон қилишяпти. Уй-жой иморат солиғини ўзим тўлаётганим, қўшниларимиз, гувоҳлар қўл қўйган, маҳалла комитети тасдиқлаган акт бўлишига қарамай, иморат қурилиши тўғрисидаги шартномани топишимни талаб қилишяпти. Бундай шартнома архивдан топилмади. Наҳотки биз тақдим этган юқоридаги ҳужжатлар инобатга олинмайди.

Ш. СИРОЖИДДИНОВ.

А. МАВЛОНОВ,
Тошкент шаҳар уй-жой бошқармаси техникавий инвентаризация бюросининг бошлиғи.

— Текширишда маълум бўлишича, Большевик кўчаси, Қизил тамға 3-проездидаги 1-уй М. Шамсутдиновага, яъни Ш. Сирожиддиновнинг онасига тегишли бўлиб, бу тўғрида шартномаларни рўйхатга олиш китобида 1940 йил октябрь ойидаги ёзув бор. М. Шамсутдинова уй-жойни ҳадя сифатида расмийлаштириш муносабати билан Октябрь райони БТИсига мурожаат этиб, уй-жой таркиби ҳақида справка беришни сўраган. Бу справка давлат нотариал идорасига тақдим этилиши керак.

Ҳадяни расмийлаштириш учун давлат нотариал идорасига БТИ справкасидан ташқари шахсий мулк ҳуқуқини тасдиқловчи асосий ҳужжат, яъни иморат қурилиши шартномаси тақдим этилиши лозим. Бироқ, бундай шартнома архивлардан топилмади. Шу сабабли М. Шамсутдиновага Октябрь район Совети ижроия комитетига мурожаат этиш тавсия этилди. У ерда унга зарур йўл-йўриқ берилди.

БАРТАРАФ ҚИЛИНДИ

Юнусобод массивининг В—4 кварталидаги 17-уйда истиқомат қиламан. Бу ерга кўчиб келганимизга кўп бўлгани йўқ. Янги уй бизга ҳар жиҳатдан маъқул тушди. Аммо тез орада бу ердаги бир ноқулайлик бизни ташвишга солиб қўйди. Гап шундаки, уйнинг томи яхши ёпилмаган экан. Натижада ёмғирли кунларда подъезд ва яшаётган квартирамизга чакка ўтиб, ҳаммаёқ кўлмак бўлди. Шунингдек, электр симлари ҳам яхши ўрнатилмаган экан. Биз бу ҳақда тегишли ташкилотлар — 2-уйсозлик комбинатига қарашли 25-қурилиш бошқармаси ҳамда 37-ЖЭКка хабар етказган эдик. Аммо улар бунга эътиборсизлик билан қарашди. Нуқсон бартараф этилмади.

Н. КОЛОДЯЖНАЯ.

Н. ЗАСЕЕВ,
Киров район уй-жой бошқармасининг бошлиғи.

— Уй истиқоматчисининг шикоятида ҳақиқатан ҳам жон бор. Нега деганда, янги уйга кўчиб ўтган ҳар бир оила, албатта, уйнинг барча шарт-шароитларининг тўла-тўкис бўлиши, ортиқча ташвиш юкловчи камчиликларга дуч келмасдан қурувчилардан ҳам, пардозловчилардан ва монтажчилардан ҳам мамнун бўлиб истиқомат қилишни истайди. Аммо Н. Колодяжная тамомила тескари аҳволга рўпара келган. Бу ерда, албатта, ишни чалакам-чатти бажарган қурувчилар айбдор. Ишни тез бажаришса-ю, қуриб битказилган уйда талай камчиликлар бўлса, бу «ҳозиржавоблик»нинг кимга кераги бор?

Истиқоматчининг хати текшириб кўрилганда эса ундаги фактларнинг тўғрилиги аниқланди. У мурожаат қилган ташкилотлар дарҳақиқат тегишли чора-тадбирни ўз вақтида кўришмаган ҳамда хатга эътиборсизлик билан қарашган.

Айни пайтда мазкур уйдаги камчиликлар бартараф этилди. Уйнинг томи қайтадан таъмир қилиниб, у ердаги аҳволдан мунтазам хабардор бўлиб туриш учун бошқармадан махсус назоратчи биркитилди.

БУ МАҲСУЛОТ НЕГА КАМ?

Биз кексалар сурмаранг, мошранг духоба дўппиларни хуш кўрамиз. Бироқ, шаҳар магазинларида бу дўппининг 60, 61, 62-размерларини топиш қийин. Шунингдек, рўзғор учун жуда керак бўлган керосин лампалари ҳам анқонинг уруғи бўлиб қолган. Баъзи мутасадди раҳбарлар шундай фаровон замонда керосин чироққа қандай эҳтиёж бўлиши мумкин? деб ўйлаши мумкин? Лекин биз, керосин чироққа тез-тез эҳтиёж сезамиз.

Бу маҳсулотлар нимага кам?

И. ИСМОИЛОВ, пенсионер.

Н. АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи.

— Халқ истеъмоли буюмларини кўплаб ишлаб чиқариш ва уни аҳолига етказиб бериш ҳар қачонгидек ҳозир ҳам муҳим, долзарб вазифадир. Бу масала халқ талаблари ўрганилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Оқшомхон И. Исмоиловнинг эътирозига келсак, у тўғри муаммони ўртага ташлаган. Ҳақиқатан ҳам сўнгги пайтларда бу икки маҳсулотни магазин пештахталарида кам кўриш мумкин. Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси катта размердаги дўппиларни кам етказиб беришлари оқибатида бу маҳсулот билан харидорларни тўла таъминлаш имкони бўлмаяпти. Лампа масаласига келсак, бу маҳсулот биз буюртма берганчалик даражада етказиб берилмаяпти. Мана, шу пайтгача биз бу маҳсулотдан бир ярим минг дона олдик, холос. Ваҳоланки, 25 мингта лампага буюртма берилган.

Биз бу маҳсулотларни тўла етказиб беришларини яхшилаш учун Ўзбекистон ССР савдо министрлиги ва тегишли саноат корхоналарига хат билан мурожаат қилдик. Яқин кунлар ичида магазин пештахталари бу маҳсулотлар билан етарлича таъминлана бошлайди.



Сиз суратда кўриб турган КПСС аъзоси Мавжуда Неъматова узоқ йиллардан бери шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикасида самарали меҳнат қилиб келади. Коммунистик меҳнатзарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу илғор ишчи ҳамиша кунлик план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«МУЗЛАГАН» ОБЪЕКТ»

Газетанинг шу йил 28 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Туркқўрғон кўчасидаги поликлиниканинг қурилиши пайсалга солинаётгани баён қилинган эди. Мақолага жавоб олинди.

Танқидий мақола трестнинг кенгайтирилган ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама этилди. Кенгашда шу объект қурилиши топширилган 50-қурилиш бошқармаси раҳбарлари иштирок этишди. Объект қурилиши 1983 йил пудрат ишлари планига киритилди ва 237 минг сўмлик, яъни смета қийматининг 60 проценти ҳажмида қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўзда тутилди.

Қурилиш ишларидаги қолоқликнинг сабаби шундаки, буюртмачи бу ердаги турар жойлар, гаражларни ўз вақтида олиб ташлаш чораларини кўрмади.

Кенгашда қабул қилинган қарорда трест аппарати хизматлари ва бўлимлари, 50-қурилиш бошқармаси раҳбарларининг эътибори соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши катта аҳамиятга эга эканлигига қаратилди. 50-қурилиш бошқармаси раҳбарларига ана шу объект бўйича 1983 йил ярим йиллик планини бажариш мажбурияти юкланди.

В. ОЧКАС, «Главташкентстрой»нинг 12-қурилиш трести бошқарувчиси.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
1 ИЮЛЬ, 1983 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ МАТБУОТ ТАРҚАТИШ БЎЛИМИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

«СОЮЗПЕЧАТЬ» КИОСКАСИ

ЁКИ НЕГА У ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ МУҲИМ ЗВЕНОСИ ДЕГАН ЮКСАК НОМНИ ОҚЛАЙ ОЛМАЁТИР?

Ҳамма поғоналардаги партия комитетлари, ҳар бир партия ташкилоти ўзи ҳал этаётган бошқа масалалар (хўжалик, ташкилий ва бошқа масалалар) нақадар муҳим бўлмасин, идеология иши тобора биринчи ўринга чиқаётганини тушуниб олиши керак.

(КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумида сўзлаган нутқидан).

Редакцияга бу борада кўплаб шикоят хатлари келиб турибди. Уларда айтилишича, «Союзпечать» киоскаларида кечки пайтларда ҳамиша ҳам «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини топиб бўлмайди. Улар у ёки бу киоскага етарлича миқдорда берилмаётир. «Бир кун қарасанг, киоскага эндигина «Вечерний Ташкент»ни келтиришади-ю, ярим соат ўтар-ўтмас, ҳамма нусхалари сотиб бўлинади. Наҳотки, шаҳар газетасини истаган киши сотиб ололмаса!» — деб ёзади В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси С. Чинаев. «Ҳар куни ишдан уйга қайтаётганимда газета киоскаси ёнидан ўтаман. Кўпинча у белгиланган вақтдан олдинроқ ёпиб қўйилган бўлади. «Тошкент оқшоми»ни эса фақат эртаси куни эрталабгина сотиб олиш мумкин», деб ёзади ишчи И. Исмоилов.

«Союзпечать» киоскалари ишини ташкил этишдаги нуқсонлар тўғрисида оқиб келаётган хатлар бу ишнинг нега шундай аҳволга тушиб қолгани сабаблари ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Мазкур масалани таҳлил этиш мақсадида «Союзпечать» киоскалари бўйлаб рейд ўтказишга аҳд қилинди.

Рейд бригада ўз ишини район партия комитетларида жойлашган газета-журнал киоскаларини текширишдан бошлади.

Афсуски, барча район партия комитетларида ҳам матбуот маҳсулотларини тарқатиш иши намунали йўлга қўйилган деб бўлмайди.

Ҳамза район партия комитети қошидаги «Союзпечать» киоскаси узоқда жойлашган, бунинг устига бу жой яхши ёритилмаган. «Оқшом» газеталари, киоскачи М. Вайнбергнинг сўзига қараганда, бу ерга кўпроқ эрталаблари келтирилади. Бор-йўғи ўнта «Вечерний Ташкент» ва бешта «Тошкент оқшоми» олади, холос.

Чилонзор район партия комитети қошидаги киоскага фақат душанба кунларигина ўн нусхадан «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газеталари келтирилади. Қолган кунлари эса киоскачи К. Қўчқорова ўз шахсий хоҳишига кўра уларга буюртма бермайди. К. Қўчқорова кўплаб марказий ва маҳаллий газеталарни харид қилинмаслигидан хавфсираб уларни олмас экан. К. Қўчқорованинг иккинчи кварталда плантопшириғини уддалай олмагани сабабини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади.

Ленин район партия комитети қошидаги киоска узоқ вақтгача ишламади. Чунки сотувчи бетоб. Октябрь ва Киров район партия комитетларида газета-журнал киоскалари умуман ташкил этилмаган.

Куйбишев район партия комитети қошидаги «Союзпечать» киоскасида бир неча нусха «Вечерний Ташкент» бор экан. Киоскачи А. Гресснинг айтишича, «Вечерний Ташкент» газетаси эртаси куни келтирилади. «Тошкент оқшоми»га эса у буюртма ҳам бермас экан. Жума кунлари газета олмас экан, чунки шанба ва якшанба куни унинг дам олиш кунлари бўлиб, газеталарни сотишга улгурмасмиш.

— Район партия комитети одам гавжум бўлган Пушкин майдонида жойлашган. Мабодо, газеталарни сотишга улгуролмасангиз, нега унда кўчага чиқиб сотмайсиз? — деб сўрадик Грессдан.

— Райком раҳбарлари рухсат беришмайди-да, — деб жавоб берди у.

Биз шуни аниқладикки, район партия комитетлари киоскачиларининг оқшом газеталарини олмасликларига сабаб—улар айнан шу газеталар келтирилган вақтда ўз иш жойларида бўлмас эканлар. Уларнинг кўпчилиги «Союзпечать»да ярим ставка ва «Ташкниготорг»да ярим ставка ҳақ олиб ишлашади. Бироқ, на у, на бу ташкилот уларнинг иш куни режимини назорат қилаётир. Киоскачилар ишга хоҳлаган вақтда келиб, хоҳлаган вақтда кетишади. Ҳолбуки, киоска қандайдир бошқа жойда эмас, айнан партия комитетининг биносида жойлашган. Наҳотки, мана шундай жойда газета-журналларни тарқатиш иши устидан назорат ўрнатиш мумкин бўлмаса? Ўз-ўзидан беихтиёр шундай савол туғилади: районларда идеология ишларининг қандай йўлга қўйилганлиги учун жавобгар бўлган район партия комитетларининг секретарлари: Ленин районида — Е. Г. Степанова, Чилонзор районида — Н. В. Базилевская, Ҳамза районида — Д. Т. Мадкаримова, Октябрь районида — Ҳ. У. Турсунова, Киров районида — А. А. Эшонхўжаев, Куйбишев районида — Л. Ф. Кочергалар оммавий ахборот ва пропагандининг энг муҳим воситаси бўлган газеталарни тарқатиш тўғрисида ғамхўрлик қилишни нега унутиб қўймоқдалар? Район партия комитетларида иш куни соат эрталаб 10 дан бошланади, киоскачиларнинг иш куни эса соат 8 дан. Бу пайтда кишилар ишга шошаётган ва йўлда газеталарнинг янги сонларини сотиб олишга ошиқаётган бўлишади. «Союзпечать»нинг киоскалари олдида узун навбат пайдо бўлади. Нега энди мана бу имкониятдан фойдаланиш мумкин эмас: район партия комитетлари бинолари олдида бир-икки соат газеталарни сотишни ташкил этиш мумкин-ку!

Рейд қатнашчилари «Союзпечать»нинг кенг тармоқларига «Оқшом» газеталари қачон ва қанча миқдорда тушишини ҳам аниқладилар.

9 июнь соат 16.50. Чилонзор агентлигининг 8-киоскаси ҳозирданоқ берк экан. Бу ерда иш соатлари кўзга кўринарли қилиб ёзиб қўйилибди — эрталаб соат 7 дан кеч соат 8 гача. Киоскачининг фамилияси — Саттoрова.

«Чилонзор» савдо маркази яқинидаги 4-киоскага ҳар куни 100 нусха «Вечерний Ташкент» ва 150 нусха «Тошкент оқшоми» келади. Киоскачи М. Тюльпанованинг айтишича, у бундан ҳам кўпроқ газета сотиши мумкин эди. У «Ташкентская неделя» босилган куни — шанбада эмас, балки, якшанбада келтирилишидан норози эканини айтди. Хонаси келганда, «Ташкентская неделя» негадир бошқа киоскаларга ҳам бир сутка кечикиб келтирилишини эслатиб ўтамиз. Бундай кечикиш натижасида ахборотлар аҳамиятини йўқотиб қўйган бўлади.

Соат 18.55. Фрунзе агентлигининг «Самарқанд» автостанциясидаги гавжум жойда жойлашган 6-киоскасида сотувчи В. Дягилева шу куни олинган 70 та «Вечерний Ташкент» газетасини сотиб бўлган эди. Пештахтада озгина «Тошкент оқшоми» газетасининг тахлами турган эди, лекин уни ҳам бир пасда сотиб олиб кетишди. Маълум бўлишича, шаҳар газеталари бу ерга турли миқдорда келтирилади. Баъзан 9 июндагидан икки баравар кўпроқ ҳам бўлади. «Вечерний Ташкент»нинг 70 та нусхаси бу киоска учун жуда озлиги кўриниб турибди.

Сергелидаги 39-киоска «Тошкент оқшоми»дан 50 ва «Вечерний Ташкент»дан 100 нусха олади. Газеталар пештахтада турган эди. Соат кечки саккизга яқинлашаётган эди. Биз киоскачи Г. Шарафутдиновадан «Оқшом» газеталарини қачон олганини сўрадик. «Ҳозиргина келтиришди», — жавоб берди Гулсум Шокировна. Кейин ўзини қўлга олиб қўшимча қилди: «Кундузи соат 4 да». Шаҳар агентлигида: соат 18 дан 15 минут ўтганда, деб бошқа вақтни айтишди. Улар ўз ишларидаги нуқсонни ана шундай яширишга интилишди.

Яна бир марта рейд қатнашчиларини чалғитмоқчи бўлишганига дуч келдик. Октябрь агентлигининг 1-киоскасида (Ўрдада) киоскачи Йўлдошев «Оқшом» газеталарини график бўйича кундузги соат 4 да олишини айтди. Шу агентликнинг 11-киоскасида эса (политехника институти ёнида) киоскачи М. Юсупова соат 17 дан 15 минут ўтганда олишини айтди. Машина ана шу икки киоска оралиғидаги масофани саноқли минутларда босиб ўтади. Эслатиб қўяйлик, уларнинг иккаласига битта машина хизмат кўрсатади.

«Союзпечать» системасида инструкторларнинг катта штати мавжуд. Улар киоскачилар ўртасида тегишли тушунтириш ишлари олиб боришмаяпти. Чунончи биз шундай фактларга дуч келдикки, «Союзпечать»нинг айрим ходимлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ва «Совет Ўзбекистон санъати» журнали ва ҳоказолар борлигини ҳатто билишмайди.

Бошқа нуқсонлар ҳам бор. Масалан, киоскалар ўйлаб жойлаштирилмаган. Айрим районларда бир-бирига яқин бўлган «ногавжум точкалар» бор. Айни пайтда «Сергели — 1» дек катта массивда газета сотиб оладиган жой йўқ. Ҳар куни хизматидан 300 мингга яқин тошкентлик фойдаланадиган Тошкент метрополитени станцияларида ҳам газеталар сотилмайди. Шаҳримизда «Союзпечать» киоскалари бўлмаган қанча-қанча янги гавжум проспектлар, майдонлар бор! Фикримизча, шаҳар агентлиги ходимлари бунга жиддий эътибор беришлари лозим.

«Союзпечать»нинг Чилонзор агентлиги бошлиғи С. Кравцованинг айтишича, уларнинг инструкторлари харидорлар эҳтиёжини мунтазам ўрганишади. Шунинг учун ҳам саноат корхоналари яқинида жойлашган киоскаларга кўпроқ... сигарета етказиб берилади (?!).

Тўғри, сигареталар, совун ва бошқа кундалик эҳтиёж буюмлари планни бажаришга ёрдам беради. Лекин «Союзпечать» ходимлари учун энг муҳими — матбуот нашрларини тарқатиш эканлигини унутмаслик керак. Бу муҳим вазифанинг бажарилиши район партия комитетларига ахоли ўрасида идеологик, оммавий-сиёсий ишларни самарали олиб боришда ёрдам беради.

Ҳар йили обуна кампанияси даврида «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида обунани расмийлаштириш қоидаларига риоя этилмаётгани ҳақида қанча-қанча шикоятлар тушади. Бунга ўзимиз ҳам ишонч ҳосил қилдик. Чунончи, шаҳримизда 5 июндан 20 июнгача иккинчи ярим йиллик учун «Тошкент оқшоми» газетаси ва бошқа айрим нашрларга обуна қилиш ўтказилиши лозим эди. 9 июнь куни Октябрь агентлигига келдик. «Тошкент оқшоми»га обуна қилишмаётган эди. Инструктор Н. Козлова: «Бу тўғрида юқоридан директив кўрсатмалар кутяпмиз» деди. Шаҳар агентлигига қўнғироқ қилган эдик, шу заҳоти рухсатнома пайдо бўлди! Худди шу нарса Чилонзор агентлигида такрорланди.

10 июнь. Ленин райони агентлигида «Тошкент оқшоми»га истисно тариқасида уруш инвалидлари ва қатнашчилари обуна бўлишларига рухсат берилган. Фрунзе ва Сергели районларига хизмат кўрсатувчи Фрунзе агентлигида биринчи ярим йилликда обуна бўлганлик тўғрисидаги квитанция кўрсатилгандан кейин обуна қилинаётган эди. Шаҳар агентлигига қўнғироқ қилдик. Кейин ўзимиз бордик. Шундан кейингина шаҳар агентлиги раҳбарлиги барча район агентликларига телефонограмма юборишни жоиз топди. Обуна учун ажратилган беш кун йўқотилган эди.

Тез кунда шаҳарда 1984 йил учун газета ва журналларга сўзла қилиш кампанияси бошланади. Кўнгилсиз нуқсонларни ўз вақтида тўғрилаш ҳамда муҳим сиёсий тадбирни юксак ташкилий савияда ўтказиш даркор.

Шаҳар «Союзпечать» агентлиги раҳбарлари ўзгарди. Лекин шаҳарнинг ҳозир Т. У. Улканбоев бошчилик қилаётган ана шу катта хизмати иш усуллари эскилигича қоляпти ва кўпинча харидорлар талабига жавоб бермаяпти. Янги раҳбарлар шаҳар агентлиги ишини тубдан ўзгартиришлари лозим бўлади. Унинг аппарати зиммасига муҳим вазифа юкланган. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида кўрсатиб ўтилганидек, матбуот жамиятга ғоявий таъсир кўрсатишнинг, сиёсий раҳбарликнинг қудратли қуроли ҳисобланади. Шу боисдан газетанинг ҳар бир сони ўқувчи қўлига ўз вақтида етиб бориши, газетхонларнинг кўпайиб бориши ғоят муҳим.

М. ҚУЛИБОЕВ, «Таштекстильмаш» заводининг слесарь-асбобсози, Ленин ордени кавалери; А. АНИСИМОВ, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси инженер-социологи; Д. ВИКНЯНСКИЙ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг матбуот тарқатиш бўлими бошлиғи; Ҳ. ЙЎЛДОШЕВА, шу бўлим инспектори; Х. МИРЗАКАРИМОВ, «Тошкент оқшоми»нинг штатсиз мухбири, 28-мактаб ўқитувчиси; В. ЛАПИНА, «Тошкент оқшоми» газетаси мухбири.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНАДИ

Олой бозоридаги озиқ-овқат дўкончаларида зетхон Т. Зеленская редакцияга ёзган хатида «Ташплодоовошч» бирлашмасига юборилган иш режимига риоя этилмаётгани ҳақида гамаълум қилган эди. Хат чора кўриш учун эди. Редакцияга юборилган жавобда шундай дейилади:

«Ташплодоовошч» бирлашмаси ходимлари хатда баён этилган фактлар юзасидан текшириш ўтказишди. Харидорларга қўполлик қилганликлари, дўкончалар иш режимини бузганликлари учун Киров улгуржи-чакана савдо идораси кичик сотувчилари Одилов, Асрамов, Ғафуров, Исмоиловларга виговор эълон қилинди. Дўкончалар ишида назоратсизликка йўл қўйгани учун филиал мудири Б. Зиёдовга виговор эълон қилинди. Улгуржи-чакана идораси савдо инспектори А. Толиповга огоҳлантириш берилди. Зеленская-нинг шикояти коллективда муҳокама этилди».

Ш. МАШУРЬЯН, «Ташплодоовошч» бирлашмаси директори ўринбосари.

УВАЙСИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИГА

ЎЛМАС ОБИДА



Адабиётимиз тарихида ўзига хос ўчмас из қолдирган аёл ижодкорлар бор. Улар феодализм муҳити, ислом дини қоидаларининг даҳшатли исканжаларига қарамасдан эркин, соф севги ва садоқатни тараннум этдилар. Шу туфайли халқ ўртасида обрў-эътибор қозондилар. Асарлари эса тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтди. Ана шундай ажойиб шоиралардан бири Жаҳон отин — Увайсийдир.

Увайсий XVIII асрнинг 80-йилларида Марғилон шаҳрида туғилган. Шоиранинг ёшлик ва балоғат даврлари она юрти Марғилонда ўтган. Шу шаҳарда Ҳожихон исмли косибга турмушга чиқиб, икки фарзанд кўрган, аммо жуда эрта бева қолган. Турмуш қийинчиликларига қарамасдан у фарзандларини тарбиялашга, ижод қилишга куч ва ирода топа олди.

Баъзи маълумотларга кўра, Увайсий марғилонлик шоир Сиддиқнинг қизи бўлган. Отаси ўз қизини сарой ҳарамига беришга мажбур бўлган. Увайсий саройда Нодира тарбияси остида камол топиб, адабий муҳитда эътибор қозонади. У умрининг охиригача Қўқон шаҳрида қолади.

Увайсий лирикасида Ҳофиз, Шерозий, Мирзо Бедил, Фузулий, Алишер Навоий каби Шарқнинг машҳур шоирлари анъанаси муваффақиятли давом эттирилди. Шоира дунёвий севгини, садоқатни, инсонийликни улуғлади. Ўзбек аёлининг ўша даврдаги фожиали аҳволини ачиниш билан қаламга олди.

Увайсий шеърияти фақат совет давридагина чинакам қадр ва эътибор топди. Унинг асарлари ўзбек ва рус тилларида бир неча бор катта нусхаларда чоп этилди. Рассомлар унинг портретларини яратдилар. Олимларимиз эса шоира ижодининг ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида илмий изланишлар олиб бордилар ва олиб бормоқдалар. Халқимиз ўзининг жасур, истеъдодли қизи хотирасини эъзозлаб, ғазалларини қўшиқ қилиб куйлаб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси шоирага қўйилган ўлмас обидадир.

Шу кунларда республикамиз адабий жамоатчилиги Увайсий туғилган кунининг 200 йиллигини кенг нишонламоқда. Шоира ижодига бағишланган шеърият кечалари, ижодкорлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Бугун «Баҳор» концерт залида ана шу санага бағишланган мушоира кечаси ўтказилади. Унда республикамизнинг таниқли олимлари, шоир ва ёзувчилари, кўп сонли адабиёт мухлислари иштирок этадилар.

Увайсий

ҒАЗАЛЛАР

Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,
Нечукким марҳамат бўлсин неча мендек дилафкора.
Нигоҳинг ташлагил лутф айлабон, эй шўх бепарво,
Йўлингда интизор ўлғон мен бу ошиқи зора.
Мени ло ядхулу деб маҳрум этма, боғбон аҳли,
Азал деҳқони бағрим қонини тўкканди гулзора.
Харидор ўлдим ўл нахну қасамнода сенга дилбар
Замон аҳлини ҳам деб солма кўп ҳуснингни бозора.
Элимда бош ила жон ҳорнж ўлғум икки оламдин,
Кўруб қалложлик кўрсатма зулмингни харидора.
Бағри қоним эди сахрода буткан лолаи рангин
Биҳамдиллоҳ на соат кун эди санчилди дастора.
Хабардор ул ҳаробот аҳли нчра соқийи даврон
Пайопай тут аёгинг ташналаб ўлғай бу хуммора.
Муяссар бўлмаса, гар тоқи абру саждагоҳингдин
На қосил сенга, зоҳид, ташлагил бўйнунгни зуннора.
Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин донм,
Угурма юз анга, ҳам солма кўзни ўзга дилдора.

* * *

Меҳнату аламларга мубтало Увайсиймен,
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсиймен.
Истадим бу оламни, топмадим вафо аҳли,
Барчадан юмуб кўзни, муддао Увайсиймен.
Кечалар фиғонимдин тинмади кавокиблар,
Арз то само узра можаро Увайсиймен.
То кўриб хароботин таъна этма, эй зоҳид,
Бир нафас эмас холий нқтидо Увайсиймен.
Фақр боргоҳига қўйса гар қадам ҳар ким,
Бош анга керак бўлса, жон фидо Увайсиймен.
Вайсий бернёзат деб сақл тутма, эй ориф,
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсиймен.

* * *

Ё раб ул паймоншикан дилдора ошиқ бўлмишам,
Гўйнё ғаддор бир айёра ошиқ бўлмишам.
Зулм кўрганча анн меҳри зиёд ўлғай, ажаб,
Турфа бадмеҳру ўзи маккора ошиқ бўлмишам.
Ҳажр собит мулки тан ичра, висоли бесабот,
Мисли водийда сароби ёра ошиқ бўлмишам.
Лайли деб бердим кўнгул, саъб ўлди аҳволим,
нетай,
Ишқ саҳросида Мажнунвора ошиқ бўлмишам.
Тушти зулфини хаёли гарданимга қумридек,
Тонг эмас йўлида юз жоним нисор этсам букун,
Лаълн жонпарвар шакаргуфтора ошиқ бўлмишам.

Маданият янгиликлари

ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ

Андижон область ўлкашунослик музейининг янги бўлими шундай деб аталди. Бу ерда намойиш қилинган экспонатлар Болгария билан СССР халқларининг анъанавий дўстлиги ҳақида, биродарлашган Андижон области билан Ямбол округининг йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган алоқалари тўғрисида, икки қардош мамлакатнинг саноат корхоналари, колхоз ва совхозлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг бориши ҳақида ҳикоя қилади. Болгариялик дўстлар музей номига бир қанча совғалар йўллаб, уни безатишда кўмаклашдилар. Энди стендларда миллий қийимкечакларни, ёдгорликларни, Болгарияда чиқарилган турли босма нашрларни кўриш мумкин.

Янги экспозицияга меҳмонлар ғоят қизиқмоқдалар. Улар фикр ва мулоҳазалар дафтарига ўз дил сўзларини ёзиб қолдирмоқдалар.

БОЛАҲОВУЗ ТИКЛАНДИ

Болаҳовуз ансамбли неча асрлар ўтганидан кейин қадимий Бухоро аҳолиси ва меҳмонлари кўз ўнгида ўзининг бутун жамоаини намойиш этди. Таъмирчилар ёдгорликнинг ажойиб нақшларини бутунлай тикладилар. Ансамбль узоқ вақт, қарийб икки юз йил давомида қурилган. Унинг асоси 1712 йилда бунёд этилган, бино эса етмиш йил муқаддам қуриб битказилган. Болаҳовузни безатишда кўплаб ажойиб усталар — ёғоч ва ганч ўймакорлари, рассомлар иштирок этишган.

БАЛЕТНИ СЕВИШАДИ

Оқолтин районидаги СССР 60 йиллиги номли совхоз маданият саройида қўриқ Сирдарё областида биринчи балет мактаби ташкил этилди. Бу ерда еттинчи-саккиз и н ч и синфларнинг ўттиз наолотларни бошлади. Куйфар ўқувчиси машғулотларни бишев хореография билим юртини битириб чиққан Елена Алмуҳамедова мактабга раҳбарлик қилмоқда.

(ЎзТАГ).

Ҳофиз Тошкандий

ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ КОНКУРС

ЕКИ БОБУР ҲУЗУРИДА ЭҲТИРОМ ТОПГАН ТОШКЕНТЛИК ОЛИМ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан ўтмишда Тошкентда, яъни қадимий Шошда истиқомат қилган шоир ва олимларнинг ҳаёти ва ижодини, бизгача илмий мерос сифатида етиб келган ҳар хил шарқ тилларида таснифетилган қўлёзма манбалардан қидириб ўрганиш асносида, ҳозирда Тошкентда Собир Раҳимов районининг Ҳофиз Кўйки номли маҳалласида яшаган ва ижод қилган, замонасининг иқтидорли олими, ўз даврида Алломаи Ҳофиз Тошкандий деган шарафли номга сазовор бўлган Ҳофиз Кўҳакийнинг, Бобур даврида Ҳиндистонга борганлиги ва у билан учрашганлиги аниқланди.

Бу масалани ўрганар экансиз, ажойиб ўзбек олими ва шоири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Тошкентга тааллуқли жиҳатлари аён бўла бошлади. Тошкентнинг юбилейи муносабати билан, бу масала ҳам диққатга сазовордир.

Ҳофиз Кўҳакийнинг Ҳиндистонда бўлиши ва Бобур билан учрашишини ҳам, Бобурнинг Тошкентга тааллуқли жиҳатларини ўрганишда ҳам, унинг машҳур «Бобурнома» асари ва шунингдек, таниқли ҳинд тарихнавис олими Абдулқодир Мулукшоҳ Бадавонийнинг Ҳиндистон тарихига оид қимматли «Мунтахаб ат-таворих» номли асарларини бизга манба сифатида ҳал қилди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўткир зеҳнли тарихнавис олим сифатида ўз асарида тарихий воқеаларни баён этар экан, шу билан бирга, ўзининг ота ва онаси тарафидан бўлган наслига ва насабига ҳам муфассал тўхталиб ўтган. Унинг ёзишича, Тошкент ва Мўғулистон ҳокими Юнусхон Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бобоси бўлган. Юнусхоннинг Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмад хон номли ўғиллари ва Меҳр Нигорхоним, Қутлуқ Нигорхоним ва Хўб Нигорхоним номли қизлари бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Юнусхоннинг иккинчи қизи — Қутлуқ Нигорхонимнинг ўғли эди. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи бундай деб ёзади: «Неча навбат (Умаршайхнинг — Қ. М.) қайнотаси Юнусхоннким... мўғул улусининг хони ул фурсатда ул эрдиким, менинг улуғ отам бўлғай...». Яна давом этиб, «Бу фурсатга мўғул улусининг хон ва султонлиғи Юнусхоннинг улуғ ўғли менинг тоғойим Султон Маҳмудхонда эрди... Уч ўғул, беш қиз мирзодин (Умаршайх мирзо —Қ. М.) қолиб эрди. Бори ўғлонларидин улуқ мен Заҳириддин Муҳаммад Бобур эрдим. Менинг онам Қутлуқ Нигорхоним эрди...». Умаршайх мирзонинг хотуни Қутлуқ Нигорхоним эрди. Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон Маҳмудхон, Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эрди...» «Хоннинг... (Юнусхоннинг —Қ. М.) уч қизи бўлди. Бори-дин улуғ Меҳр Нигорхоним... Иккинчи қизи менинг волидам Қутлуғ Нигорхоним эди... Учунчи қиз Хўб Нигорхоним эди...».

Шундай қилиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур она тарафдан қариндош-уруғлик жиҳатидан Тошкент ва Мўғилистон ҳокими Юнусхоннинг набираси бўлган

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Тошкентда ҳам бўлган. Унинг ёзишича, 908 (1502—1503 йили) «Бу муддатдаким Тошкентда эрдим... хон додамнинг (Юнусхоннинг —Қ. М.) эшигига борсам, гоҳи бир киши била, гоҳи икки киши била борур эрдим... хон додамга кўрунуш қилиб, Шоҳбегим қошига келур эдим. Ўз уйимдек бош яланг, оёқ яланг кирар эдим».

Яна Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Тошкентга алоқадор жиҳатларидан бири шундаки, у ўзининг «Бобурнома» асарида Тошкент тарихига оид жуда қизиқарли маълумотларни келтирган. Улардан бирини келтириш билан кифояланамиз. Бобур Тошкент ҳақида гапирар экан, бу шаҳарни қадимда Шош ва Чоч деб атаганларини кўрсатиб ўтган: «Ул фурсатда Тошканд вилояти Умаршайх мирзо тасарруфида эдиким, китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирлар».

Шундай қилиб, Тошкент тарихини ўрганишда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари қимматли тарихий манбалардан бири ҳисобланади.

Энди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан Ҳиндистонда учрашган Алломаи Ҳофиз Тошкандий ёки Ҳофиз Кўҳакий масаласига келсак, бу ҳақда ҳам Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида тўхталиб ўтган.

Ҳофиз Кўҳакий Тошкентда яшаб ижод этган замонасининг иқтидорли олими ва тарихчиси бўлган. У машҳур ўзбек олими Улуғбекнинг (1394—1449) шогирди Али Қушчининг (XV) набирасидир.

Ҳофиз Кўҳакий паркентлик Камолиддиннинг ўғли бўлиб, тўлиқ исми Султон Муҳаммаддир. Қудурийнинг «Мутасар ал-Қудурий» номли асари, Ҳофиз Кўҳакийнинг ўғли Абдуллоҳ тарафидан (1116 (1704—1705 йили) кўчирилган. Қўлёзманинг охирида бундай деб ёзилган: «Котиб — Абдуллоҳ валади Ҳофиз Султон Муҳаммад».

Ҳофиз Кўҳакий халқ ўртасида Ҳофиз Кўйки номи билан машҳур бўлган. У тарих, араб тили ва грамматикаси, мантиқ, ҳуқуқшунослик илмдари билан шуғулланган ва бу борада қатор асарлар ҳам тасниф этган. Ҳофиз Кўҳакий араб тили грамматикасини, мантиқ илмини яхши билганлиги учун мадрасаларда дарс ҳам

(Давоми 4-бетда).

• Музей заллари бўйлаб

ШОИРА СИЙМОСИНИ ГАВДАЛАНТИРИБ

Истеъдодли шоира Увайсий XIX асрнинг биринчи ярмида шаклланган Қўқон адабий муҳитининг таниқли вакилларидан биридир. У феодал жамиятда хотин-қизларнинг оғир аҳволи ҳақида истироб билан шеърлар битди, соф севги ва садоқатни, олижаноб инсоний фазилатларни улуғлади. Шоира шеърлари асрлар оша бизнинг давримизгача етиб келди.

Музейимизда шоира ҳаёти ва ижодига алоқадор бир қатор экспонатлар бор. Унинг қўлёзма девонидан олинган фотонусхалар, совет даврида чоп этилган китоблари, турли рассомлар томонидан ишланган тасвирий санъат асарлари шулар жумласидандир.

Маълумки, шоиранинг бироита ҳам расми сақланиб қолмаган. Фақаттина у ҳақда замондошларининг, тазкиранависларнинг айрим хотираларигина мавжуд. Рассомлар ана шу маълумотларга асосланиб, Увайсийнинг қиёфасини гавдалантиришга ҳаракат қилганлар.

Увайсийнинг машҳур «Анор» рубоийси кўпчиликка маълум. Унда шоира ўзбек аёлларининг инқилобдан олдинги оғир ҳаётини рамзий маънода гўзал ифодалаган. Уни ўқиганимизда кўз олдимизда «юзларига парда тортиглик», бағри қон аёллар аҳволи ёркин намоён бўлади. Рассом Т. Жамолиддинов ана шу шеър асосида яратган картинасини «Анор» деб атаган. Унда Увайсийнинг бир неча аёл билан бирга ўртада турган анорга боқиб турган ҳолати акс этган.

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Неъмат Қўзибоев ўзининг «Мушоира» асарида Нодира, Увайсий, Маҳзуналарнинг шеърият баҳсини тасвирлаган. Бу учала шоира кўтаринки кайфиятда бир-бирларига ўз шеърларини ўқиб бермоқдалар. Рассом ўша давр муҳитини, шоиралар қиёфасини аниқ ва таъсирчан гавдалантиришга эришган.

П. Д. Воронкининг «Увайсий» портрет асари ҳам адабиёт ихлосмандларига таниш. У шоиранинг кўпгина китобларида чоп этилган. Рассом Увайсийни шеърият оғушида, хаёлларга чўмиб ўтирган ҳолда тасвирлаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуг Башаровнинг «Увайсий, Нодира, Маҳзуна» кичик рангли сурати ҳам мавжуд. Бу суратда ҳам улар шеър ўқиётган пайт акс этган.

Яқинда музейимиз буюртмасига кўра П. Д. Воронкин асари асосида катта рангли портрет яратилди. У ҳам яқинда намойишга қўйилади. Рассом Раъно Ҳабиб яратган Увайсий портрети эса Қўқон музейига берилди. Қўқондаги адабиёт музейида ҳам шоира ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бир талай экспонатлар бор.

Н. РАҲМОНОВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи мудири.



• ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ТОМСК ТЕАТРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтимиздаги Томск музикали комедия театрининг гастроллари муваффақиятли ўтмоқда. М. Горький номли театрга ташриф буюраётган санъат мухлислари ҳар куни меҳмонларимиз репертуаридан ўрин олган ажойиб саҳна асарлари билан танишишмоқда. Томсклик санъаткорлар томошабинлар билан фақат театр залидагина эмас, саноат корхоналарида ҳам учрашмоқда. Шундай учрашувлардан бири яқинда Тошкентдаги ошхона ва бошқа мебеллар фабрикасида бўлиб ўтди. Меҳмонлар корхона цехлари билан, замонавий ишлаб чиқариш конвейер линияси билан танишдилар.

Мебелчилар ҳузурида томсклик санъаткорлар А. Журбиннинг «Пенелопа», шунингдек, «Сильва» комедияларидан саҳналар ижро этишди.

Театр репертуаридан ўрин олган Вадим Ильин ва Юрий Рибчинскийларнинг «Ўртоқ Муҳаббат» қаҳрамонлик-романтик спектакли, грузин композитори Г. Цабадзе ва драматург Е. Шатуновскийларнинг «Қорли тоғлар таронаси», шунингдек, «Тўсиқлар чизиғи», «Ҳақиқий эркак», «Хушчақчақ бева», «Бир аср яшасанг, бир аср сев» ва бошқа асарлар томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Сильва» ва «Пенелопа» спектаклларидан саҳна. Эдвин ролида В. Состин; Телемак ролида М. Дербенцев.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҒОР «ЗОЛУШКА» ДЕБ АТАЛДИ

Молдавиянинг шимолида очилган «Золушка» Карст ғорининг бунёдга келиш жараёни жўшқин асримизга ҳамоҳангдир. Табиат шундай нодир жойларни яратиш учун одатда минг йиллаб сарфласа, кончилар бу ишни тезлатдилар.

Бундан бир неча йил аввал Крива қишлоғи яқинидаги гипс карьерида кутилмаган ҳодиса рўй берди: сув оқими штольнялардан бирининг деворини ўпириб котлаванга туша бошлади. Шунда машиналар, ишчилар тезда кўчирилди. Карьердаги сувни тортиб чиқариш учун кучли насос қўйилди. Ер ости жилғасининг собиқ ўзани эса ғаройиб бир лабиринтга айланди.

Унга кираётганингизда адл устунлар кўтариб турган катта-катта залларни, кўпдан-кўп кўллар, кенг-кенг галерея қаватлари ва сталактит (тош сумалак)ларни кўрасиз. Зарғалдоқ, қора, бўз ва саргиш сумалаклар аввал яккам-дуккам учраб, деворларнинг бўртган жойларн бўйлаб попуқдек осилган бўлса кейинчалик бориб шипларни яхлит қоплаб олган.

— «Золушка» илмий нуқтаи назардан ғоятда қизиқарлидир, — дейди география фанлари кандидати спелеолог (ғоршунос) В. Верина.— Унда энг актив фазадаги карс жараёнининг қонуниятлари яққол кўриниб туради. Улкан гипс ғорлари орасида бунисн дунёда учинчи ўринни эгалади — ғор асосий коридорининг узунлиги 60 километрдан ортади. Ғорни ўрганиш бир қанча проблемаларни ҳал этишга ёрдам беради ва спелеогенез назариясини бойитади.

Олимларнинг тавсияларига биноан Крива карьерида гипс қазиб олиш йўналиши ўзгартирилди. Эндиги ишлар ноёб ер ости лабиринтини бузмайди.

(ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Ўрим-йиғим бошланди

БУДАПЕШТ. Венгрия далаларида бугдой ўримига киришилди. Мамлакат жанубий областлари далаларининг меҳнаткашлари ҳосил ўрим-йиғимини биринчи бўлиб бошладилар. Бироқ ўрим-йиғим кун сайин шимол томон силжиб бормоқда.

Венгрия деҳқонлари мамлакат далаларида етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида ва сира нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш учун тайёргарлик даврида ҳамма ишларни қилдилар. Республиканинг турли районларида жойлашган 500 дан кўпроқ дон қабул қилиш пункти шу кунларда тиғиз график асосида ишлаб турибди.

ВХР қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдига шу 1983 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида қўлга киритилган юксак натижаларни мустаҳкамлаш вазифаси қўйилган. Бултур мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми 5 процент кўпайган эди. Венгрия тарихида рекорд миқдорда донли экинлар ҳосили—14,8 миллион тонна йиғиштириб олинган эди.

ГДРДА ДАРАХТ ЎТҚАЗИШ

БЕРЛИН. Республикада баҳор фаслида дарахтзорлар барпо этиш кампанияси нихоясига етди. 21 минг гектардан кўпроқ майдонга қарағай, арча ва эман кўчатлари ўтқазилди. Бу эса саноат йўли билан келгусида ёғоч тайёрлаш учун замин яратади. Бу йил ГДР халқ хўжалиги ўн миллион кубметр ёғоч хом ашёси олиши керак. Бу хом ашё 12 минг турдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун асосий материалдир.

Берлинда қурилган марказга бўйсунувчи комбинат ёғоч-созлик ва ёғоч тилиш саноати ишлаб чиқараётган буюмларнинг ўз вақтида етказиб берилиши учун жавобгардир. Бу комбинат мамлакатнинг турли районларида жойлашган 90 га яқин тармоқ корхонасини бирлаштириб турибди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга катта эътибор берилмоқда, деб таъкидлади комбинат бош директори О. Поллак.







ОБЪЕКТИВДА — РОСТОК

Рига билан биродарлашган Росток—Германия Демократик Республикасининг Болтиқ бўйидаги порт-шаҳардир. Бугунги кунда бу йирик саноат, илмий ва маданият марказн тобора гуллаб-яшнамоқда.

СУРАТЛАРДА: Варнемюнд денгиз қирғоғидаги замонавий «Нептун» меҳмонхонаси юқорида; шаҳар марказидаги Эрнст Тельман майдони, чапда—Ратуша бинои; ГДР кемалар қатнови музейи залида (ўнгдаги суратлар).

М. Шахбазян фотолари. ТАСС фотохроникаси.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

● АДР министрлар кенгаши Амударё соҳилидаги Ҳайратон шаҳрини кенгайтириш бош планини тасдиқлади. Совет архитекторларининг кўмаги билан ишлаб чиқилган планда 600 гектардан зиёд территорияда барча қулайликлари бўлган замонавий, кўп қаватли уйлар савдо ва маданият марказлари қурилиш кўзда тутилади. Ҳайратонга кўчиб келадиган 40 минг аҳолининг кўпчилиги бу ердаги дарё портида ҳамда комерсия юкларини қабул қиладиган базага хизматга киради.

● «Врачлар тинчлик ва қуролсизланиш учун» деб аталган маҳаллий ташкилот аъзолари Ғарбий Европада Американанинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарини жойлаштиришга қарши норозилик билдирдилар. Улар Европа парламенти депутатларига йўллаган хатда НАТОнинг ядровий «қўшимча қуроллантиришга» қарши кескин чоралар кўришга даъват этдилар.

● Бу ердаги тинчлик учун курашчилар ташкилотлари шаҳар Кройцберг районидаги «немис тинчлик жамияти» ва «тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги ташаббус» ташкилотлари эълон қилган қўшма баёнотда Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядро ракеталарини жойлаштириш режасини қоралади-лар.

Улар Европа қитъасида қанотли ракеталар ҳамда «Першинг—2» ракеталарининг жойлаштирилиши шубҳасиз ядро уруши хавфини кучайтиради, деб таъкидладилар. Баёнотда халқаро жамоатчиликнинг Европада ядро қуролидан холи зонани вужудга келтириш учун оммавий намойишларини кучайтириш зарурлиги уқтирилади.

Ҳофиз Тошкандий

ЁКИ БОБУР ҲУЗУРИДА ЭҲТИРОМ ТОПГАН ТОШКЕНТЛИК ОЛИМ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

берган. Муҳаммад Ҳошим ибн Муҳаммад Қосим ўзининг «Насамот ал-қудс мин хадойиқ ал-унс» асарида Ҳофиз Кўҳакий ҳақида бундай деб ёзади: «Ҳофиз Кўҳакий номи билан шуҳрат топган мовлоно алломаи Тошкандий, Мавлоно Асомиддиннинг шогирдларидан бўлиб, қатор асарлар таснид қилган».

Ҳофиз Кўҳакий ўз замонасининг илмли ва обрўли кишиси бўлганлиги учун бўлса керак, 935 (1528) йили Тошкентдан тўй муносабати билан Ҳиндистонга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига юборилган эди. Ҳофиз Кўҳакийнинг бу тўйда қатнашганлигини Бобур «Бобурнома»да келтиради. «Шанба куни ойнинг олтисида тўй бўлди... Ўзбек элчилари... бу тўйда бор эрдилар... Сўл қўлда ҳам ушбу дастўр била Ўзбек элчилари ўлтуруб, беклардин Абдуллоқа фармон бўлдиким, булар била ўлтурғай... Ўлуғ ош тортилгонидин кейин... Хожа Мир султонга ва ўғлонларига ва Ҳофиз Тошкандий ва мулло Фарруҳ бошлиқ Хожанинг мулозимларига ва ўзга элчиларга ҳам олтундин, кумушдин таркаш била инъомлар бўлди».

Шунингдек, ҳинд тарихчиси Абдулқодир Мулукшоҳ Бадовоний ўзининг «Мунтахаб ат-таворих» номли тарихий асарида келтиришича, Ҳофиз Кўҳакий Акбаршоҳ даврида 977 (1569) йили иккинчи марта Ҳиндистонга боради. Ҳиндистон ҳокими Акбар томонидан қабул қилинади ва олимлик маҳорати учун катта туҳфалар олишга муяссар бўлади. Бадовоний бундай деб ёзади: «Ҳофиз Тошкандий номи билан танилган Ҳофиз Кўҳакий зўр донишманд бўлиб, айниқса араб тили ва адабиётини яхши билган олимдир. У Мавлоно Асомиддиннинг шогирди бўлиб, ўз даврининг ҳамма илмларидан яхши баҳраманд бўлган олимдир. Ўз даврида Мовароуннаҳрда яшаган олимлар унинг бузрглигини тан олган эдилар. У Ҳиндистондан... ўз диёрига Мовароуннаҳрга (Тошкентга) қайтиб келади ва у ерда вафот этади. У ўз ҳаётида икки катта олимдан таълим олишга мушарраф бўлган. Биринчиси Қозихон лақабли Қози Низом Бадахший бўлиб, иккинчиси Мавлоно Асомиддин Иброҳимдур... Аҳли маъни орасида яхши эътибори ҳам бор эди... фасиҳ забон, хуш тақрир олим бўлиб, мўътабар таснифлари ҳам бордир... 992 (1584) йиллар атрофида вафот этган бўлиши мумкин».

Тошкентлик Мавлоно Соний Ермуҳаммад ибн Пирмуҳаммад номли олим Мирҳусайнийнинг «Муаммо» асарини 984 (1576—77) йили шарҳ қилади ва Тошкентда ўзи кўчиради. Бу асарнинг бошланишида Ҳофиз Кўҳакий томонидан форс тилида «Таажжуб ва ҳайратли иш. Бу қандай гавҳарки Мавлоно Соний махфий сирларни балоғат ва латофат тариқи била маоний хазинасини фош қилибдурлар» деб ёзиб қўйилган. Демак Ҳофиз Кўҳакий 1576—1577 йилларда ҳали ҳаёт бўлган ва бу асарни ҳам мутолаа қилган. Ҳофиз Кўҳакийнинг имзоси бор мазкур қўлёзма асар Шарқшунослик институтининг қўлёзма асарлар хазинасида сақланмоқда.

Юқорида Бобур ўз асарида Ҳофиз Кўҳакийни «Ҳофиз Тошкандий» деб келтирганлигини кўрдик. Шунингдек Муҳаммад Олим Сиддиқий ўзининг «Ламахот» номли асарида ҳам «Алломаи ал-маъруф бил-Ҳофиз ат-Тошкандий» («Ҳофиз Тошкандий деб танилган аллома») ва «Устод ал-уламо Ҳофиз Тошкандий» («Олимлар устози Ҳофиз Тошкандий») деб келтирган.

Тошкент тарихига оид қимматли қўлёзма манбаълардан бири тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асаридир. У асарнинг муаллиф қўли билан ёзилган нусхаси ва ундан кейин кўчирилган нусхалар сақланиб қолган. Муҳаммад Солиҳ ўз асарида Ҳофиз Кўҳакий ҳақида бундай деб ёзади: «Тошканд диёридаги Ҳофиз Кўҳакий маҳалласидан Мавлоно Кўҳакий ақлий ва нақлий илмларда зўр олим бўлган. Жомий Ҳиротийнинг араб тили грамматикасига оид «Шарҳи мулла» асарига ҳошия ёзган. Баҳс ва жадал илмининг қондаларини аъло даражага етказгандир. Ҳофиз Кўҳакий Тошканд аҳолиси ва олимларининг ифтихори бўлиб, Дашт, Қипчоқ, Фарғона, Мовароуннаҳр, Бухоро, Эрон ва Хуросонда шуҳрат қозонган олимдир».

Ҳофиз Кўҳакий турли масалаларга оид қатор илмий асарлар тасниф этади. У «Тарихи Тошканд» («Тошкент тарихи»), «Тарихи оли Чингиз» («Чингизхон авлоди тарихи»), «Рисола фи фан ат-тафсир ва-л-усул ва-л-фуруъ ва-л-мантиқ ва-л-калом» («Тафсир, фиқҳ асослари ва тармоқлари, мантиқ ва калом илми ҳақида рисола», Абдураҳмон Жомийнинг «Шарҳи Мулла» номи билан шуҳрат топган «Фавоиди Зиёийя» номли араб тили грамматикасига оид Шарҳига ҳошия, «Шарҳ аш-шарҳ одоб ал-мунозара» («Мунозара қондалари» шарҳининг шарҳи», Мовлоно Асомиддиннинг грамматикага оид «Мезон ул-адаб» («Билим мезони») асарига «Ужолат ул-баён фи шарҳ ал-мезон» («Мезон шарҳининг тезкор баёни») номли қатор асарларнинг муаллифидир.

Тошкентда яшаган ва ижод этган, ўз даврида Алломаи Ҳофиз Тошкандий деган шарафли номни олишга муяссар бўлган, қатор ажойиб асарлар ижод қилган, XVI асрда Ҳинд заминига қадам қўйган Ҳофиз Кўҳакий Заҳириддин Муҳаммад Бобурни шахсан кўрган, у билан учрашган ва унинг эҳтиромига сазовор бўлган олимдир.

Қ. МУНИРОВ.



СУРАТДА: Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дам олиш зонаси шаҳримиз меҳнаткашларининг кўнгилли дам олиш жойларидан биридир. М. Нуриддинов фотоси.

• СПОРТ

ТОШКЕНТ КУБОГИ—АСБОБСОЗЛАРДА

Маълумки, «Шахтёр» командаси мамлакатимиздаги энг машҳур коллективлардан бири ҳисобланади. У ҳамиша Кубок баҳсларини шиддаткор ўтказади. Агар шаҳар миқёсида ўйлайдиган бўлсак, асбобсозлик заводи коллективини ана шу командага қиёс қилиш мумкин. Кейинги саккиз йил давомида асбобсозлар тўрт марта финал учрашувларида иштирок этишди. Икки марта биллур соврин эгаси бўлишди. Команда ҳамиша кубок баҳсларини кўтаринки рухда ўтказади, ғалабага эришиш учун бор куч ва маҳоратини ишга солади.

Бу сафар ҳам «Текстильшчик» стадионида «Инструментальшчик» ва 153-қурилиш трести командаси ўртасидаги учрашув ниҳоятда қизиқарли бўлди. Ҳисобни 8-минутда В. Земцов очди. Умуман ҳужумкор ўйин кўрсатган қурувчилар учрашувнинг биринчи бўлимини ўз фойдаларига ҳал қилишди. Улар ҳимояда аниқ ҳаракат қилиш билан бирга шиддаткор ҳужум уюштирдилар. Айниқса, дарвозабон А. Зайцев, ҳимоячи В. Гайдукевич, ҳужумчилар А. Мочалкин, Г. Алиевлар юксак маҳорат кўрсатишди.

Иккинчи бўлим В. Фахрутдинов устозлик қилаётган «Инструментальшчик» командасининг ҳужуми билан бошланди. Олдинги маррада ҳаракат қилаётган Э. Алиев, В. Саломатин чаққон ҳаракатлари билан рақиб команда ҳимоячиларини эсанкиратиб қўйишди. Ана шундан кейин «Строитель» командасининг сафидаги уюшқоқлик дарз кетди. Ҳимоячилар ўз майдонларида ўйин қондасини бузишди. Судья Б. Ҳайдаров дарҳол ўн бир метрлик белгини кўрсатди. Морозов ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Ҳал қилувчи дақиқаларда «Инструментальшчик» командасининг ветерани, завод инженери Г. Решетняк ташаббусни ўз қўлига олиб, командадошларини олдинга чорлади. У икки марта дарвозани аниқ нишонга олди. Шундай қилиб, ҳал қилувчи учрашувда асбобсозлар ғолиб чиқишди.

Биллур совринни команда капитани И. Жафаров Тошкент шаҳар футбол федерацияси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Г. Ермаковдан қабул қилиб олди. Алоҳида маҳорат кўрсатган ўйинчиларга махсус совринлар топширилди.

Ҳозир бу икки коллектив июль ойида бўладиган Ўзбекистон кубоги баҳсларига тайёргарлик кўрмоқда.

М. ЗАЛЬЦБЕРГ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

БУЛАР, АЛБАТТА, СИЗГА МАНЗУР БЎЛАДИ

АТИР-УПА БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР АПЕЛЬСИН ГУЛИНИНГ ЎТКИР ҲИДИНИ «ЖАСМИН», «ЛАНДИШ», ГЕАЦИНТ ГУЛЛАРИНИНГ ЁҚИМЛИ ҲИДИ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИБ, ЎЗ КОМПОЗИЦИЯСИ БЎЙИЧА АЖОЙИБ МУАТТАР ҲИДЛАР ГУЛДАСТАСИНИ ЯРАТИШГАН. АНА ШУ ҲИДЛАР ГУЛДАСТАСИ «ОДНАЖДИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ДУХИДА МУЖАССАМДИР. БУ ДУХИНИНГ МУАТТАР ҲИДИ 60 СОАТГА САҚЛАНАДИ.

«ОДНАЖДИ» духиси ўзининг муаттар ҳиди ва кўркам безаклари туфайли совғабоп энг яхши духилар қаторидан муносиб ўрин эгаллаган.

ЁЗДА ТУРЛИ КРЕМЛАР ЖУДА АСҚОТАДИ.

Улар терини қуёш, сув, шамол таъсиридан муҳофаза қилади;

терини зарур тўйимли моддалар билан таъминлайди;

шундай қилиб, терининг барвақт сўлишининг олдини олади.

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН.

«Однажди», «Серебристий ландиш», «Душистий табак», «Хоним», «Милой женшине», «Желаю счастья», «Регистон», «Пиковая дама», «Амфора», «Лада», «Любимие», «Нежная», «Изумруд», Лесная ландиш», «Нева», «Россиянка», «Белая акация» духилари;

«Сирень», «Жасмин» «Фиалка», «Ландиш», «Шипр», «Для мужчин» одеколонлари;

«Витаминний», «Зодиак», «Любимий», «Особий», «Стимулирующий», «Идеал» кремлари;

«Красний мак», «Сирень», «Лесная» орасталик сувлари шулар жумласидандир.



«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

КИНО

1, 2 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЯНГИ ЧАҚИРИЛГАНЛАР УРУШГА ЖЎНАМОҚДА» — **Ватан** (жуфт соатларда).

«ТОПИБ ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИЛСИН» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.30, телефон 44-21-74).

«ОГОҲЛАНТИРИШ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 11, 14, 17, 19.45).

«САФАР КЎНГИЛДАГИДЕК БЎЛАДИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ЖАНГЧИ СОЯСИ» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ХАСИС» — **—Фестиваль** (ёзги, 21,40), телефон 32-78-02), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«107-ИНСТРУКЦИЯ БЎЙИЧА ТЎНТАРИШ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«АЙСБЕРГЛАР ОРАСИДАГИ ЎЛИМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ БИНОСИДА

(Пролетар кўчаси, 2-уй)

2 ИЮЛЬ СОАТ 9.00 ДА

политехникумнинг мебель бўлимини 1958 йилда битирганлар билан

УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛАДИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Олий ўқув юртларига кирувчиларни кириш имтиҳонларини топширишга тайёрлайдиган

ПУЛЛИК БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 1 июлда бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, 2-корпус, 3-қават, 65-хона.

«Главташпассавтотранс» моддий-техника таъминоти базасига тегишли ГТ-1 серияли, 1995344 номерли ва ГТ-1 серияли 1995351 номерли йўқолган меҳнат дафтарчаларининг

ТОЗА БЛАНКАЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент технология техникумига берилган ДТ сериядаги 855693 номерли йўқолган дипломнинг

ТОЗА БЛАНКАСИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент кинотехникуми томонидан **Туйметов Суннат Ҳабибуллаевич** номига берилган 460177 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТВ

1 ИЮЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.10 «Бурунди республикаси бўйлаб». 17.30 «Ерда, самода ва денгизда». 18.00 «Расмларда қуёш акси бор». 18.15 «Ешлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Мультфильм. 19.50 «Бойқуш кундузи пайдо бўлади». Бадиий фильм (Италия). 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Москва) — «Пахтакор». «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. 2.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Маҳорат эгалари». Телевизион ҳужматли фильм. 18.55 Бурятистон АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 С. Прокофьевнинг «Ромео ва Жульетта» опереттасига ёзган кўйларидан парчалар. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг Катта симфоник оркестри ижро этади. 21.30 «Время». 22.05 «Причал». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Марабу амакининг қаноти». Мультфильм. 18.15 «Ёш сеҳргарлар». Чирчиқ шаҳар болалар цирк коллективлари ижро этади. 18.50 Ўсмирлар ўртасида чим устида хоккей бўйича СССР биринчилиги. Репортаж. (Ёзиб олинган). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телефильм. 20.05 КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари —ҳаётга! «Ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг актуал масалалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.30 П. Тлегенов. «Бир фожиа изидан». Телеспектакль. 1-қисм. 23.35 Янгиликлар.

II

20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.). 20.40 «Оқ минорага йўл». Телефильм. 21.00 «Сиҳатсаломатлик». Илмий-оммабоп программа (такрорий). 21.30 МТ II.

2 — ИЮЛЬ ШАНБА

ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Карелия АССР Давлат «Кантеле» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.10 «Спортлото»нинг 27-тиражи. 10.20 «АБВГДейка». 10.50 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.20 «Бугун — программада». Фильм-концерт. 11.40 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 12.10 «Сиз бунга қодирсиз». 12.55 «Бугун —Халқаро кооперация куни». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, «Центрсоюз» правлениесининг раиси М. П. Трунов иштирок этади. 13.25 «Хатларингиз асосида». Концерт. 13.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноилова. «Зарурий тасодиф». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.00 «Камалак» халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программаларнинг V халқаро фестивали. Маврикия халқ ижоди. 15.25 Янгиликлар 15.40 Вьетнам Социалистик Республикаси ташкил топган кунга. Киноочерк. 16.00 «Ешлик» ансамбли кўйлайди (Вьетнам). 16.30 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.

17.00 Болалар учун фильм. «Кичик машинистнинг катта сафари» (ГДР). 18.00 «9-студия». Кўрсатувни В. Зорин олиб боради. 19.00 «Старт». Мультфильм. 19.10 «И. И. Обломов ҳаётидан бир неча кун». Бадиий фильм. 1- ва 2-қисмлар. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Москва). Минскдан олиб кўрсатилади. 2-тайм. 22.45 Вена оперетта артистларининг концерти. 23.55 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Юган тутган бола». Мультфильм. 18.15 Тошкентнинг 2000 йиллигига. «Байраминг билан, шаҳрим». «Капельки» вокал-чолғу ансамбли ижро этади (рус.). 18.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Бугун — Халқаро кооперация куни». «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси З. Ш. Сирожев суҳбати. 20.00 «Ёшлар намойиш этадилар». Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазма заллари бўйлаб (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Гулдаста». Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун». 22.20 П. Тлегенов. «Бир фожиа изидан». Телеспектакль. 2-қисм. 23.15 «Наштар». Сатирик киножурнал № 108 («Ўзбекфильм»). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

БРИЛЛИАНТ, ЗУМРАД, ЁҚУТЛАР...

«Улар олис-олисларга шуъла сочиб, бамисоли ўз тевараклaридаги ҳавони ўз рангларига бўяшади. Уларнинг ранги на қуёшда, на қоронғуда, на чироқ ёруғида ўзгаради, ҳамиша мафтункор нур сочиб туради»,— деб ёзган эди қадимги римлик Плиний. Зумрад ва бриллиантлар ҳар қандай ёруғликда ҳам, бир хилда мўъжизакор нур таратади. Бу тошлар ана шу ажойиб хусусиятлари туфайли минглаб йиллардан бери шуҳрат қозониб келади.

Ўрта асрлик машҳур заргар Бенвенуто Челлини фақат тўрт хил қимматбаҳо тошни тан олар эди. У ана шу тошларни табиатнинг тўрт кўринишига: олмосни — сувга, ёқутни — оловга, сапфирни — ҳавога, зумрадни эса яшил кўкатлар билан қопланган ерга таққослар эди.

Қимматбаҳо тошлар турли-туман сир ва афсоналар билан қопланган. Мисол учун азалдан зумрад ўз эгасини ёмон кўздан асрайди, кўз нурини мустаҳкамлайди, уни турли ғам-ташвишдан холис этади, деб ҳисобланган. Қадимги табиблар зумрадни илон заҳрини қайтарадиган ажойиб восита сифатида тавсия этишган: илон чаққан киши иссиқ туя сутига 2 карат зумрад талқонини аралаштириб ичиши лозим бўлган. Қадимги руслар смарагд (зумрад)ни донишмандлик, совуққонлик, умид тоши деб билганлар.

Бриллиант, зумрад, ёқут билан безатилган тилла буюмлар шу кунларда ҳам кенг шуҳрат қозонган.

Совет заргарлари ўтмишдаги ҳамкасбларининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, уни ривожлантиришяпти. Ҳозирги усталар ясаган қимматбаҳо тошлар билан безатилган узуклар, билакузуклар, кулонлар, зираклар, бошқа буюмлар ўзининг бежиримлиги билан диққатни жалб этади.

Ҳозирги кунда оқ рангдаги тилла модага кириб бормоқда. Айниқса у бриллиант билан бирга яхши уйғунлашади. Тилланинг тиниқ ранги қимматбаҳо тошнинг гўзаллигини бўрттириб кўрсатади.

Брилллиант, шунингдек, зумрад ва бриллиант, ёқут ва бриллиант билан безатилган узукларни, зиракларни, тўғноғичларни, кулонларни ва бошқа буюмларни қуйидаги магазинлардан харид қилиш мумкин:

2 — Б. Хмельницкий кўчаси, 56-уй.
10 — Октябрь бозори.
13 — Навоий кўчаси, 1-уй.
14 — Олой бозори.
17 — Госпиталь бозори.
20 — Муқимий кўчаси, 22-уй.
26 — Бешёғоч бозори.
27 — Ленин проспекти, 40-уй.
36 — Куйбишев кўчаси, 5-уй.
41 — Марказ — 1 «Б» квартали.



«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

МАГНИТОФОННИНГ ФАЗИЛАТИ НИМАДА?



МАГНИТОФОНЛАР ОДАТДА ИШОНЧЛИ ИШЛАШИ, ОВОЗИНИНГ ЮҚОРИ ТИНИҚЛИГИ, МУОМАЛА ҚИЛИШДА СОДДАЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА МАГНИТОФОНЛАРНИНГ РАНГ-БАРАНГ НАМУНАЛАРИ САВДОГА ҚЎЙИЛГАН

«КОМЕТА—212М—СТЕРЕО» — микрофон, радиоприёмник, электрофон, телевизордан стерефоник ва монофоник овозларни бемалол ёзиб олади.

Магнитофонда ташқи акустика системасига ёки акустика системали кучайтиргич (моно ёки стерео)га уланиш кўзда тутилган.

ТЕХНИКАВИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ:

йўлчаларининг сони — тўртта;
истеъмол қиладиган қуввати — 60 вт;
ҳажми — 170 х 372 х 405 мм;
лентанинг айланиш тезлиги — 19.05 ва 9,53 см./сек;
озуқаланиш кучланиши — 127 ва 220 в;
оғирлиги — 12,5 кг.дан ошмайди.

«ОРЕЛ—206» — 4 йўлли, кассетали стационар стереофоник магнитофон-приставкадир. У магнитофон, звукосниматель, радиоприёмник ва бошқа магнитофондан стереофоник программаларни, радиотрансляция тармоқларидан монофоник ёзувларни ёзиб олишни таъминлайди.

Магнитофонда стрелкали индикатор бўйича ёзувнинг сифатини назорат қилиш, ёзувни блокировкалаш, ёзув пайтида ва эшитиш чоғида лентани вақтинча тўхтатиб туриш кўзда тутилган.

110, 127, 220, 237 вольтли тармоқлардан қувват олиб ишлайверади.

Лентанинг ҳаракатланиш тезлиги 4,76 см./сек.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ДНЕПРОВСК МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИ АНА ШУ «ОРЕЛ—206—СТЕРЕО» МАГНИТОФОНЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

«Тошкент оқшоми» газетасига йилнинг иккинчи ярми учун обуна қабул қилинмоқда.

Обунани шу кунларда расмийлаштирган оқшомхонлар газетани 1 августдан мунтазам ола бошлайдилар. Обунани «Союзпечать» агентликлари ва бўлимларида, почтамтларда, алоқа бўлимларида, иш ёки ўқиш жойларида матбуотни жамоатчилик асосида тарқатувчилар кўмагида чекланмаган миқдорда расмийлаштириш мумкин.

Азиз дўстлар! Газетага обуна масаласидаги фикр-мулоҳазаларингизга муштоқмиз. Ўзингиз яшаб турган жойдаги алоқа пунктларида обунани расмийлаштириш ишлари қандай ташкил этилган? Шу масала бўйича қандай таклифларингиз бор? Ана шулар ҳақида бизга батафсил ёзиб юборасиз деган умиддамиз.

Тошкент молия техникуми коллективи ўқитувчи Т. Т. Усмоновга отаси

Тўлаган УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

1 ИЮЛЬ, 1983 й. Р—07291 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12